



№ у.г. «12» сентябрь

№ 1145-к

“Оҳалик” кишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Оҳалик” маҳалласида
фуқаро Ходжамухаммедова Мавжудага ветеренария шахобчаси қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

“Оҳалик” кишлоқ фуқаролар йиғини “Паст Оҳалик” маҳалласида
яшовчи фуқаро Ходжамухаммедова Мавжуда туман ҳокими номига
“Оҳалик” кишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрта Оҳалик” маҳалласи ҳудудидан
ветеренария шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган
аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят
табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси
хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-
февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ
хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш
тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20
августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун
рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш
тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Оҳалик” кишлоқ фуқаролар йиғини “Паст Оҳалик” маҳалласида
яшовчи фуқаро Ходжамухаммедова Мавжудага “Ўрта Оҳалик” маҳалласи
ҳудудидан ветеренария шахобчаси қуриш учун 50 м.кв кишлоқ хўжалигида
фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш
ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Ходжамухаммедова Мавжудага ветеренария шахобчасини
қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик
кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура
талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат
қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Фуқаро Ходжамухаммедова Мавжуда томонидан “Ер кодекси”нинг
36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблансин

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров